ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ.

ДАВОС, 5 февраль (ЎзА махсус мухбири). Бу ерда ўтаётган жаҳон иқтисодий анжумани тадбирларини кенг ёритаётган Швейцария оммавий ахборот воситалари бу тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Президент Ислом Каримов бошчилигидаги делегацияси фаол иштирок этаётганини қайд этмоқда. Ўзбекистон анъанавий Давос учрашувида бешинчи марта қатнашмоқда. Бу учрашувга дунёнинг барча томонларидан давлат ва ҳукумат бошлиқлари, таниқли иқтисодчилар ва мутахассислар, савдо-саноат ва молия доираларининг намояндалари, журналистлар келган. Шарҳловчилар бу гал ҳам анжуманда кўплаб давлатлар вакиллари иштирок этаётганини, мазкур анжуманнинг жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлашмоқда.

Анжуманда бошланган мунозараларда жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати ва тараққиёти истиқболлари билан боғлиқ муҳим масалалар, давлатлар иқтисодий тараққиётининг ана шу йўлда дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга доир муаммолари муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг аъзолари «Жаҳон ақл-заковат ҳаракати» деб аталган бевосита баҳсларда иштирок этишди.

Президент Ислом Каримов Давосга келган дастлабки кундаёқ, ташрифнинг тиғиз дастурига мувофиқ, хорижий мамлакатларнинг анжуманга келган давлат ва жамоат арбоблари, йирик компаниялар ва банкларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

«Ўзбекистон Республикасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дадил қадамлар билан олға бораётгани аввало мамлакатингиз жаҳон иқтисодиёти билан муваффақиятли интеграция йўлида катта имкониятларга эгалигидан далолат беради», — деди мухбирингиз билан суҳбатда Европа ҳамжамияти комиссиясининг комиссари жаноб Ханс Ван Ден Брук.

Давос учрашуви иштирокчиларининг диққат- эътибори Ўзбекистоннинг ислоҳотлар йўлидан олға томон қилаётган ҳаракатининг матбуотда ҳам алоҳида қайд этилган қиёсий таҳлилига қаратилди. Масалан, ўтган йил хорижий компаниялар ва халқаро банклар республикада амалга оширилаётган йирик қўшма лойиҳаларда, шу жумладан нефть-газ, автомобилсозлик, кон-қазилма саноати соҳаларида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этишга алоҳида қизиқиш билан қараётганини кўрсатди, дейишмоқда мутахассислар. Таниқли иқтисодчилар бу қизиқишни Президент Ислом Каримов ўтказаётган хорижий мамлакатлар савдо-саноат ва молия доиралари билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш сиёсатига мувофиқ келади, деб ҳисоблашмоқда. Айни шу сиёсат туфайли улар Ўзбекистоннинг улкан ресурслари имкониятларига, сармоядорларга берилаётган давлат кафолатларига алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар, дейишмоқда кўп шарҳловчилар.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувига анжуман матбуот марказида рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакилларигина эмас, анжуман иштирокчиларининг ҳам зўр қизиқиш билан қарагани тушунарлидир. Ўзбекистон раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга интилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ватан аҳлларига деганларим

• Миллатнинг ўзлигини кўрсатадиган хусусиятлардан бири тил ва маорифдир. Бу иккиси бўлмаса, миллат мустақил бўла олмайди.

***

Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса инсоннинг яшаш мақсади, усулидир.

***

Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа халқлардан орқада қолган экан-миз, бу ҳали миллий-маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга мажбур этади... Буни биздан халқимизнинг тарихи, тақдири талаб этади. Улуғ вазифаларда ва улуғ интилишлардан кўрқманг! Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларни етказади.

Исмонбек ГАСПРАЛИ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 6 февраль, сешанба № 16 (21.937).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

СЎНГГИ СОАТДА

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий тоғ-металлургия комбинати жамоаси россиялик шериклар билан ҳамкорликда Зафаробод посёлкасида янги кимё-технология корхонасини ишга туширди. Бу ерда дастлабки маҳсулот — бензинни тозалаш учун ишлатиладиган смола тайёрлана бошланди.

***

• Хазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигидаги Бахмал тўқиш корхонасида Фарғонадан келтирилган тўқув дастгоҳлари ўрнатила бошлади. Қишлоқ тадбиркорлари «Хазорасп» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда барпо этаётган мазкур корхонада бир юз йигирма нафар киши иш билан таъминланади.

***

• Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари, шунингдек республиканинг бир, қанча йирик қутубхоналари яқин кунларда Буюк Британияда нашрга тайёрланиб, Америка Қўшма Штатларида чоп этилган 22 жилдлик «Жаҳон қомуси»ни олади. Американинг «Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар ва тараққиёт лойиҳаси» хайрия жамғармаси республикамизга 750 минг доллар қийматта эга бўлган қомуснинг 300 нусхасини текинга ажратди.

ЖАҲОНДА

• НАТО раҳбарияти Сараевога merganларга қарши курашувчи махсус бўлинмани жойлаштирди. Америкалик адмирал Лейтон Смитнинг айтишича қараганда бу бўлинма merganларга қарши огоҳлантиришсиз ўт очиши мумкин. Якшанба куни ана шундай отишмалардан бири бўлиб ўтди. Бунда merganлардан бир киши отиб ўлдирилди.

***

Франция Президенти Жак Ширак Америка конгрессида нутқ сўзлаб, унинг мамлакати ядро қиновларини батамом тўгатганлигини маълум қилди. У барчани қуролсизланишга ва ядро қуролини тарқатишга қарши курашишга чақирди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Франция давлатининг раҳбари 12 йилдан бери АҚШда энди бўлиши.

***

Куни-кеча Мексиканинг Киптана-Роо штатида янги туғилган чақалоққа кўпчилик қойил қолмоқда. Чунки бу қизалоқнинг оғирлиги 7,2 килограммни ташкил этади. Маҳаллий медикларнинг айтишларига кўра, бундай ҳодиса фақат Мексикадагина эмас, балки бутун Лотин Америкасида бўлмаган эди.

***

Мельбурндаги икки тиланчининг омади келди. Улар метро станцияси атрофидаги майдондан 400 минг доллар топиб олишди. Агар унинг эгаси топилмаса, пули гадойлар ўзаро бўлишиб олишлари мумкин.

• Иқтисодиёт олами • Иқтисодиёт олами •

АМЕРИКА МУТАХАССИСИ САБОҚ БЕРЯПТИ

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Қўқон шу кунларда водийдаги йирик савдо тижорат марказига айланган. Республика тадбиркорлари «Ташаббус-95» курик танловида Нуриллаҳожи Абдуллаев бош булган «Роҳат» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг иккинчи уринни олиши ҳам бежиз эмас.

Қўқондаги «Руёб» концерни ва бошқа юзлаб хусусий дуконлар хориждан мол келтириб бозорларни тулдирмоқдалар. Бу тажриба вилоятга ёйилган. Ҳозир вилоятда 10 мингта яқин нодавлат ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Унинг 6 мингдан кўпроғи кичик, хусусий, ширкат ва қўшма корхоналардир. Корхоналарда 50 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Утган йили шу тизимдаги корхоналарда 650 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Дукондорларнинг малақасини оширишга аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда Қўқонда АҚШ иқтисодий тизимига асосланган бизнес мактаби ташкил этилди. Бу ерда олимлар, малакали мутахассислар қатори Калифорния университети ўқитувчиси, бизнес бошқаруви ва молия инвестицияси буйича мутахассис Ж. Фишер ҳам сабоқ беряпти.

Алишер ИБОДИНОВ.

ФЕРМЕРНИНГ МАҲСУЛОТИ АРЗОН

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Қўрғонтепа туманидаги «Аваз» фермер хўжалиги чорвадорлари ўтган йил ҳар бош сигирдан 4300 килограммдан сут етиштирдилар. Давлатта 75 тонна сут сотилди.

Бундай муваффақиятнинг сири нимада? Иқтисодий ислоҳотларга камарбаста бўлиш, эл дастурхонини тўлдиришга ният қилган Комилжон Содиқов 1993 йил баҳорида 9 бош сигир билан фермер хўжалиги ташкил этган эди. У чорвани зотдор жониворлар билан бойитишга аҳамият берди. Биринчи йили ҳар бош сигирдан 3400, кейинги йили 3780 килограммдан сут олинди. Бугунги кунда фермер ихтиёридаги қорамоллар 92 тага етган. У ўз маҳсулотларини арзон нархда қишлоқдошларига ҳам сотмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ҚИШЛОҚДА КИЧИК КОРХОНА

НУКУС (мухбиримиздан). «Тўрткўлтехника» ҳиссадорлик жамияти қошида дастлабки жунни қайта ишлаш цехини ишга туширилиши жамоа хўжалиги юмушларини енгиллаштирди.

Бир пайтлар «Қизилқум» жамоа уюшмаси тайёрланган жунларни қўшни вилоят ёки хорижга жўнатишга мажбур бўларди. Харажатлар кўпайиб кетарди. Мана энди йигилиб қолган жунлар эркин нархларда сотиб олинмоқда. Бошқа хўжаликлар ҳам қимматбаҳо хом ашёни шу корхонага ўтказишяпти. Ҳозирча цех бир сменада 50-60 килограмм жунни қайта ишлаяпти. Тез орада унинг қувватини 2-3 баробар ошириш кўзда тутилган. Муҳими, шу ернинг ўзида қайта ишланган маҳсулотдан гилам ва полос тўқиш бошлаб юборилди. Чиқитлардан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Шу йилнинг ўзидаёқ 1 миллион сўм даромад олиш кўзланган.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

РОССИЯЛИКЛАР УЧУН КОРЖОМА

«Нигора» ҳиссадорлик жамияти «Ситора-Лада» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси буюртмаси асосида ишлаяпти.

Эътиборли томони шундаки, бежирим бу коржомалар оз эмас, 4200 дона бўлиб, улар москваликларга тез кунда етказиб берилади. Эвазига эса улар енгил автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришади. Бундан бухороликлар катта наф кўришлари тайин.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ ҚАРОР

Истиқлол шарофати билан пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Ҳозирги кунда ғалла ва пахта эгизак экинлар қаторидан жой олди. Бу эса мамлакатимизни дон мустақиллигига эришишига олиб келмоқда.

Яқинда эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йил пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори менинг назаримда деҳқонларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади. Ахир, пахтачилик тарихида республикамиз деҳқонлари етиштирган маҳсулотининг, (режа бажарилганда) 50-40 фоизини, режадан ортиқ етиштирилган ҳосилнинг юз фоизини ўз номидан сотиш ҳуқуқига қачон муваффақ бўлишган эди?

Янги қарорнинг фазилати деҳқонга қолдирилган ҳосил ҳажмига давлат томонидан сотиб олиш нархи дунё бозор нархининг 70 фоизи даражасида тўлашдан иборат. Агарда ҳозирги кунда дунё бозорида бир тонна пахта толаси 1,5 — 2,5 минг АҚШ доллари қийматида баҳоланаётган бўлса, деҳқонлар бу йилги етиштирилган ҳосилни давлатта 70 фоизи даражасида сотишса, ҳар тонна тола учун 1-1,75 минг доллар ҳажмида ҳақ оладилар.

Албатта қарорни ҳаётта татбиқ этишда шу ҳосилнинг асли заминини яратувчи омил бу—ўсимлик нави бўлганлиги учун хўжаликларда экилаётган навларнинг муаллифларига ва навни ихтиро қилган илмий ташкилотларга олинган иқтисодий самарадан 4-5 фоизини ажратиш кўзда тутилса, ҳозирги иқтисодий шароитда олимлар учун айни муддао бўлур эди.

Мирадҳам АБЗАЛОВ,
биология фанлари доктори,
профессор.

«ҚИЗИЛ КИТОБ» КИМ УЧУН?

Юртимиз қимматбаҳо ўсимликлар ватани. Сайёрамизнинг бирор бурчагида учрамайдиган турлари ҳам бор бизда. Аммо инсоннинг ўзини боқиб турган она табиатга очкўзларча ҳужуми, саноат қишлоқ хўжалиги ривожланиши кўплаб ноёб ўсимликларнинг қирилиб кетиш арафасига келтириб қўйди. Ўзбекистон «Қизил китоби»га 1984 йилда 163 та ўсимлик тури киритилган бўлса, ҳозир улар сони 300 тадан ошди. Агар табиат қўйнида сайр қилиб юриб 20 хил ўсимликни учратсангиз, шундан ўн фоизи қўриқланишга муҳтож.

Шунга қарамай, дам олишга чиққан одамлар одатда ёввойи ўсимликлар гулини эрмак учун юлиб дасталайдилар, сўлиб қолгач эса ташлаб юборадилар. Айримлар қўлидаги таёқ билан ўсимликлар гул ва шохлари «калла»сини узишга ишқибоз. Овқат пишириш учун буталар синдириб ёқилади.

Ўсимликка зарар етказиш осон, унинг тикланишига эса узоқ вақт зарур. Масалан, сассиқ ферула ўсимлигини олайлик. У бир неча йилда фақат илдиз бўғзи баргларинигина чиқаради. Ўн йилда бир марта ҳосил бериб, ҳалок бўлади. Қатор мамлакатлар тиббиётида феруладан куч-қувват берувчи, иштаҳа очувчи, гижжа ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади. Унинг пояси тилинса, шира оқиб қотиб қолади. Ана шу шира бир пайтлар олтин баҳосида юрарди.

Смирновая ўсимлигидан қон босими, тери юзи, асаб томирларининг сиқилиши, уйқу бузилиши, бош оғриғига қарши «Изоприн» дориси олинади.

Анзур деб аталувчи ёввойи пиёз шифобахшлиги жиҳатидан маданийсидан устун туради. Таркибида бактерияларни қирувчи ноёб учувчан эфир мойи мавжуд.

Ўлкамиз ўсимлик дунёси вакили-лагохилус пиёзининг нақадар қимматлигини чет элларда унга талабнинг катталигидан билса бўлади. Хориж олимлари ҳатто уни гулхоналарда ўстиришга уринмоқдалар.

Бизда эса Самарқанд атрофида илгари ҳар йили 2-3 тонналаб йиғилган логохилусдан ҳозир бирор туп ҳам қолмаган. Бу ваҳшийлик эмасми?

Олимлар ўзимизнинг қизилмия ўсимлигини иккинчи женьшен деб қадрлайдилар. У инсонни ёшартирувчи, ўнлаб касалликларни даф этувчи шифобахш гиёҳдир. Қизилмиядан пиво, квас, бошқа ичимлик, торт ва ширинликлар тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Унинг кўпик ҳосил қилувчи илдизи металлургия соҳасида ҳамда ўт ўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

Ана шу ноёб ўсимликларимиз ҳозир ташвишли аҳволда. Айниқса, сўнгги пайтда кўпик берувчи халқда етмак деб аталадиган илдизларни талон-торож қилиш кучайиб кетди. Аҳоли ва турли ташкилотлар пул кетидан қувиб, табиатга тузатиб бўлмас зиён етказмоқдалар. Республикамиз ҳукумати 1993 йили қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик, ҳайвон турларини қўриқлашни кучайтириш, улардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қарор чиқарди. Қарорга биноан ёввойи ўсимликларни фақат Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси рухсати билангина йиғиш мумкинлиги таъкидланган. Шунга қарамай, ўзбошимчалик давом этмоқда.

Қарангки, кўпчилик шунчаки ёввойи ўт-да, деб ўйлайдиган ўсимликлар қандай хусусиятларга эга. Борйўғи оддий хашакдай туюлган гиёҳларнинг ҳам қимматли томонлари жуда кўпда. Ҳозир олдимизда табиат билан қандай муносабатда бўлишимиз лозим, деган масала турибди. Табиатдан ином кутмай уни аёвсиз талаш даври ўтди.

Тоғ, чўл қишлоқларида шифобахш, озиқбоп ҳамда техника ўсимликларини кўпайтириб, маҳсулотларини сотувчи кичик ташкилотлар тузиш мумкин-ку. Ҳам одамлар иш билан таъминланади, ҳам даромад келади.

Бунинг учун аввламбор шифобахш ўсимликларимизни яхшилаб таниб олишимиз зарур. Ўзбекистон

Мулоҳаза

«Қизил китоб»и ким учун тузилган ўзи?

Фақат ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мутахассислари учунми?

Тўғри, ҳозир 700 хилдан ортиқ ўсимлик муҳофаза остига олинган. Бироқ беполён тоғ, чўл, тўқайларимиздаги ноёб ўсимликларни қўриқлашни фақат мутасадди ташкилотларнинг ўзи эплаши қийин. Шунинг учун юртимиз ўсимлик бойлигини асраш, кўпайтириш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз бўлиши зарур.

Ҳам табиатни асраб, ҳам ундан иқтисодиётни кўтаришда фойдаланиш вақти келди.

Евгений ГЕРАСИМЕНКО,
Ориф ФАРМОН.

Юртим дала-даштларида.

БУГУНГИ СОНДА:

2-бет

Агрофирма бошқаруви раиси Ғолиб НАЖИМОВ:
«Агрофирмани нафақат республикага, қолаверса, жаҳонга танитадиган муамммолар устида кўпроқ ишлашимизга тўғри келяпти.»

3-бет

Мухбир Юнус УЗОҚОВ:
«Катта-катта ер майдонларини эгаллаган хўжаликлар аҳолини картошка билан таъминлашга ожизлик қилишяпти. Миришкорлар эса бир парча томорқаларида мўл-кўл ноз-неъмат етиштиришмоқда.

Прокурор Амир ЯНГИБОЕВ:
«Туман жамғарма банкидагилар ҳазилакам ташвишга тушишмади. Чунки банкка кетма-кет қалбаки чеклар келиб туша бошлаганди...»

4-бет

Олим Абдусалом УМАРОВ:
«Домла ўзбек ва тожик тилларига баб-баробар чечан. Зуллисонайн олимнинг лафзи ширин, суҳбати пурмаъно».

• Партия ва ҳаёт — Партия ва ҳаёт •

ТАРҒИБОТЧИ АЁЛ

Ўзбекистон ХДП Қўшкўпир туман кенгаши Хоразм вилоятидагина эмас, республикамиздаги йирик, нуфузли такшилотлардан. Тумандаги 81 та бошлангич партия ташкилотида 4000 дан ортиқ партия аъзоси бор. Шунингдек, маҳаллаларда 27 та ҳудудий ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Кишиларнинг дунёқарашини шакллантиришда, уларни келажаги буюк жамиятнинг фаол иштирокчиларига айлантиришда тарғибот ва ташвиқотчиларнинг сиёсий билим савиясига катта эътибор бераётган туман кенгаши доимо омма орасида бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Шундай тарғиботчилардан бири жонкуяр мураббий, тумандаги Мичурин номли ўрта мактаб тарих ўқитувчиси, ХДП аъзоси, «Гулистон» жамоа хўжалиги қошида ташкил этилган сиёсий тўгарак тарғиботчиси Шарофат Матёқубовадир.

Шарофатхон ҳақида кўп эшитганман. Аввалги йили бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида унинг сайловчиларни «михлаб» қўйганини ўзим кўргандим. Мулоҳазаларини мисоллар, далил-исботлар билан мустаҳкамлар-ди. Шунинг учун бўлса керак, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига партиямиздан номзоди қўйилган туман партия кенгаши биринчи котиби Йўлдош Отаназаров муқобиллик асосида кўпчилик овозни олиб, ғолиб чиққанди.

У маъруза қилар экан, қийиқ кўзлари оҳанрабодек тингловчилар нигоҳини тортади, қўллари, юз ҳаракатлари мазмунга хос тебраниб, бутун жисми сўзларини «ўтқазишга» хизмат қилади.

Ўйлаб қоламан: бундай оловқалб аёл юртга, кишиларга бўлган меҳр-муҳаббатни, касбга ихлосни, маҳоратни қаердан олдийкин?

У энди 28 баҳорни кўрди. Отаси Абдушариф ака колхозда 45 йил механизаторлик касбини эъзозлаб келган. Онаси Шукуржон опа ҳам шунча фурсат далада ишлади. Демак, оддий қишлоқнинг оқила аёлларидан бири.

— Шарофат тиниб-тинчимайди, — дейди мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қадам ака Абдуллаев. — Унинг ташаббуси билан мактабимизда тарих кабинети жиҳозланди. Яхшигина музей ташкил этилди. Бунинг устига шогирдим мактаб хотин-қизлар кенгашига ҳам бошчилик қилади. Хуллас у ҳамма нарсага улгуради.

Тарғиботчи шу кунларда катта ғайрат билан Президентимизнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида, Олий Мажлис IV сессиясида сўзлаган нутқларини кенг оммага тушунтирмоқда. Унинг ҳар бир чиқиши кишиларда бой таассурот қолдиряпти.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТЛАР КЛУБИ

Самарқанд шаҳар партия кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган «Депутатлар клуби»нинг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Файзулла Зиёевнинг ҳисоботи тингланди.

Бўлиб ўтган йиғилишда фаоллар депутатга ўз фаолиятини янада жонлантириш юзасидан мулоҳазалар билдирди.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси бўлинмаси бошлиғи Толиб Тоҳиров, ДАН бошлиғи Саври Зайниддиновнинг жиноятчиликка қарши кураш юзасидан маърузалари ҳам клуб аъзоларига маъқул бўлди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Хонқа тумани пахтакорлари ўтган 1995 йилда юксак натижаларни қўлга киритишди. Йиллик режа ортиғи билан бажарилди. Даромад ҳам шунга яраша мўл бўлди. Бунинг асосий сабаби шундаки, туман деҳқонлари уюшқоқлик билан меҳнат қилишди. Агротехник тадбирларни ўз вақтида бажаришди. Шунингдек қиш фаслида ҳам бекор ўтиришмади. Ерларнинг шўрини ювиш, ўғит чиқариш ишлари сифатли бажарилди.

Хонқаликлар бу йилги мавсумда ҳам ўтган йилги натижаларни такрорлашга интилишмоқда. Шу боис кўкламга пухта ҳозирлик кўришаётир. Ариқ-зовурлар тозаланаётир, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланяпти. Айниқса тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу борада кўпчиликка ўрнак бўлишяпти. Айни пайтда экин майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш давом эттирилмоқда.

Суратда: хўжаликнинг илғор механизаторларидан Иброҳим Шарипов билан Одилбек Мадраҳимов.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯНА БИР ТЎҚНАШУВ

· **ҚОБУЛ.** Афғонистон пойтахти яқинида ҳукумат қўшинлари ва «Толибон» ҳаракати ўртасида яна қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Натижада тинч аҳоли орасидан ўндан ортиқ киши ҳалок бўлди, етти нафари оғир жароҳатланди.

Бир неча кундан буён давом этаётган бу тўқнашувларда ҳар икки томон ҳам оғир замбараклардан фойдаланмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги туфайли Қобулни тарк этаётган қочоқлар тўхтовсиз отишмаларнинг асосий қурбонлари бўлмоқда.

ТАШРИФ КУТИЛМОҚДА

· **ВАШИНГТОН. Илгари хабар қилинганидек, 1996 йил март ойида АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофернинг Москвага ташрифи кутилмоқда.**

Ташриф чоғида шу йилнинг апрелида Москвада ўтказилиши кўзда тутилаётган ривожланган саноат мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, АҚШ ва Россия Президентларининг Олий даражадаги учрашувига тайёргарлик кўриш масаласини муҳокама этиш ҳам кўзда тутилган.

СТАЛИННИНГ ҚИЗИ РОҲИБАЛИК ҚИЛМОҚДА

· **МИЛАН.** Иосиф Сталиннинг қизи Светлана Аллилуева ҳозир Италиядаги монастирларнинг бирида роҳибалик қилмоқда, дея хабар берди Миланда нашр этиладиган «КИ» («КИМ») журнали.

Светлана Аллилуева айни пайтда 70 ёшда. 1967 йил у собиқ СССРни тарк этиб, АҚШдан сиёсий бошпана сўраган. Орадан бир қанча вақт ўтиб, у Италияга келди ва шу ерда ўзининг диний раҳнамоси Падре Жованни билан танишди. Шу тариқа у дин йўлига кирди.

«КИ» журналининг ёзишича, Падре Жованни шу вақтгача Светлананинг кимлигини сир тутган. Фақат энди шогирдининг розилиги билан унинг насл-насабини маълум қилди.

ЭЛЧИХОНА КЎЧИРИЛМОҚДА

· **ВАШИНГТОН. АҚШ давлат департаменти шу йилнинг 31 январида ўз дипломатия вакиллари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Судандаги ўз элчихонасини кўчиришни маълум қилган эди. Чунки АҚШ 1993 йилданоқ Суданни халқаро қўпорувчиликни қўллаб-қувватловчи мамлакат, деб ҳисоблаб келади.**

Айни пайтда эса Судан ҳукумати АҚШга мурожаат қилиб, элчихонани кўчириш ҳақидаги қарорни қайта кўриб чиқишни сўрамоқда.

ҲУКУМАТ УЗР СЎРАДИ

· **ИСЛОМОБОД.** 1995 йил 6 сентябрь куни Покистоннинг Афғонистондаги элчихонасига ҳужум қилинган эди. Афғонистон ҳукумати ушбу ҳодисадан қаттиқ афсусланиб, расмий равишда узр сўради ва элчихонага етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида 15 миллион доллар миқдорида товон пули тўлашини ҳам маълум қилди. Покистон ташқи сиёсат маҳкамасининг расмий вакили ана шу ҳақда тўхталиб, «Покистон Афғонистон билан дипломатия алоқаларини ҳеч қачон узган эмас, бироқ Қобулда ўз элчихонасини қайтадан очиш ҳақидаги масалани яқин орада кўриб чиқмайди», деди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РАДИО ОРҚАЛИ МУРОЖААТИ

· **КОЛОМБО. «Тамил» жангариларининг бу ердаги савдо марказини портлатиши мамлакатдаги тинчлик музокараларини тўхтатиб қўйишга йўналтирилган», деди Шри-Ланка Президенти Чандрика Кумаратунга радио орқали халққа мурожаат қилиб.**

31 январь куни содир этилган ушбу қўпорувчилик натижасида 72 киши ҳаётдан кўз юмди, 1300 нафар киши жароҳатланди, деб маълум қилди мамлакат адлия вазири журналистлар билан суҳбатда. Баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари эса ушбу портлашда 200 нафар киши ҳалок бўлган, деб хабар тарқатди.

ПОРТЛАШ ҚУРБОНЛАРИ

· **ПЕКИН.** Хитойнинг Шаоян шаҳрида содир бўлган портлаш натижасида 100 нафарга яқин киши ҳалок бўлган. Маълумотда айтилишича, портлаш беш қаватли бинода содир бўлиб, унинг ертўласида ноқонуний равишда 10 тоннага яқин портловчи модда сақланган. Портлаган бино атрофидаги кўплаб уйлар ҳам жиддий зарар кўрган.

ЯПОН ҲАРБИЙЛАРИ ЯҚИН ШАРҚҚА БОРАДИ

· **ТОКИО. Япония ҳарбий қисми БМТнинг тинчликни таъминлаш тадбирида иштирок этиш учун Жўлон тепаликларига келди. Улар айни пайтда Сурия ва Исроил қўшинлари ўртасидаги бетараф ҳудудда хизмат қилаётган канадалик ҳарбийлар ўрнини эгаллайди. Япония аскарларининг маълум қисми эса Сурия ва Исроил қўшинлари ҳаракатларини назорат қилиш бўйича БМТнинг Дамашқдаги қароргоҳида ўз бурчларини ўтайди.**

ЖАМИЛ МАНСУРНИНГ БАЁНОТИ

· ЭЛ-БИРА. «Ҳамас» Ислом қаршилик ҳаракати Фаластин мухторияти ҳудудида бўладиган маҳаллий сайловларда иштирок этиш ниятида, дея баёнот берди ушбу ташкилот раҳбарларидан бири Жамил Мансур Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги шу шаҳарда ўтказилган матбуот анжуманида.

«Ҳамас» аъзолари аввалроқ Фаластин мухторияти кенгашига ўтказилган сайловни тан олмаган эди. Жамил Мансур ушбу ҳолатни изоҳлар экан, бу сайлов фақат сиёсий мақсадларда ўтказилган ва унда фаластинликларнинг ҳақиқий истаклари баён этилмаган эди, деди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Туркистон — умумий уйимиз

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қардош халқлар миллий маданий марказлари жуда кўп. Улар орасида қозоқ миллий маданий маркази фаолияти тўғрисида айниқса, марказ раиси муовини Абдуваҳоб Дилдулов ҳақида икки оғиз сўз айтишга бурчлимиз.

Ҳали қуёш уйғонмаган. Лекин бетиним, ҳаловатсиз одамлар қаергадир шошилади. Улар орасида олтмишни уриб қўйган бўлса-да, аммо кўриниши анча ёш Абдуваҳоб акани учратишингиз табиий. Чунки аввалари — ички ишлар органларида ишлаган, ўттиз йиллик фаолиятида ҳам серташвиш кунлар шу зайлда бошланарди. Касб-корга, одамларга бўлган меҳр эзгу ташвишларга етаклашини у ҳаётий зарурат, деб тушунади. Идорасига кириб келганида унга бир даста хат тутқазишди. Конвертларга кўз югуртирди: Қорақалпоғистон, Алмати, Туркистон, Чимкент, Сирдарё, Янгийўл... Ҳа, ҳар бир хат уни сафарга, ишга чорлайди. 1995 йил ҳам марказ учун эсда қоларли кўп воқеаларни ҳадя этди: Бутун дунё қозоқлар уюшмаси вакиллари Тошкент шаҳри, Жиззах, Навоий вилоятларидаги учрашув, мулоқотлардан мамнун бўлишди. «Манас» халқ эпосининг 1000, Абайнинг 150 йиллиги кенг нишонланди. Айтишувлар уюштирилди. Марказий Осиё ва Қозоғистондан қатнашган оқинлар мусобақасида қибрайлик Қулмахон Дуйсенов бош соврин — «Жигули» автомашинаси билан тақдирланди. Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари ўтаётган кезлар икки халқнинг бебаҳо маданияти, санъати намуналари намойиш қилинди.

Ўзбекистоннинг беш вилоятида ишлаб турган қозоқ маданий марказлари фаолиятида ҳам бошқа миллат-элатлар билан ҳамкорлик қилишнинг янгича шакллари кўзга ташланмоқда. Республикамизда қозоқ тилида ўқитилаётган 600 дан зиёд мактабда байналмилал тарбия, дўстлик, аҳиллик масалалари асосий мавзу қилиб олинаётгани айни муддао. Ёшларни ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, олий ўқув юртларига йўллаш, яхши урф-одатларни ёйиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлашда ҳам режадаги юмушлар амалга оширилди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660, Жамбул Жабаевнинг 150 йиллик таваллудларини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётир. Ушбу тадбирларда ҳам унинг муносиб улуши бўлиши шубҳасиз.

...Бугун марказ ишлари билан бир неча жойда бўлишга тўғри келди. Кечқурун идорага кирди-ю жиринглаётган телефон трубкасини кўтарди. Уйидан экан. Иш столида ҳали танишиб улгурмаган хатларни папкасига жойлай бошлади.

Абдунаби МАННОПОВ.

· Ўзи етиштириб, ўзи қайта ишлайди
· Хўжалик юритишда ягона бошқарув
· Ишчи ўринлари кўпаймоқда
· 600 тонна тола — 60 миллион сўм демак

Тадбиркорликка кенг йўл!

МУЛК ҲАМ, МУЛКДОР ҲАМ КЎПАЙСА...

Навоий туманидаги «Зарафшон» агрофирмаси бошқаруви раиси Ғолиб Нажимов билан суҳбат

— Ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар, туб ўзгаришлар даврида ишбилармонликни қандай тушунасиз? Бу масаладаги шахсий фикрингиз?

— Бозор муносабатларига ўтиш даври мустақил юртимиздаги ҳар бир фуқарони уддабуронликка, изланувчанликка ўргатмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов Республика Олий Мажлиси тўртинчи сессиясидаги нутқида, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги маърузасида қайд этганидек, бозорга чиқишнинг бирдан-бир йўли ер ва мулк эгаси бўлишликдир. Аслида мулк ва мулкдор тушунчасини салбий ҳолатда тушуниб келдик. Ривожланган Ғарб мамлакатлари, жумладан, Америка ҳам, Олмония ҳам мулк ва мулкдорлар асосида ривожланган-ку. Шундай экан, эскича ишлашдан воз кечиб, амалий ишга ўтишимиз, ишлаганда ҳам чақани сўмга айлантириш, ундан оқилона фойдаланиш йўлларини излашимиз керак! Бу ўринда мен хусусийлаштириш, ерларни ижарага бериш, кичик ва қўшма корхонлар сонини кўпайтириш, фермер ва якка деҳқонлар уюшмалари сонини оширишни жуда хоҳлайман. Чунки маҳсулот кўпайтиришнинг, ерга эгалик қилишнинг бирдан-бир йўли шу. Мулк давлат тасарруфидан чиқарилсагина мулк ҳам, мулкдор ҳам кўпаяди.

— Янглишмасам, сиз туман тайёрлов, савдо харид уюшмаси раисисиз. Бунинг устига агрофирмага ҳам. Нега бундай йўл тутдингиз? Нима, илгари «Зарафшон» жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан заифмиди?

— Республикада донги кетган «Нарпай» совхози тарқадди-ю, унинг ҳудудида 4 та колхозча — яъни «Маданият», «Жолойир», «Зарафшон», «Нарпай» жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Балки бунда бошқарув, хўжалик юритиш анча енгиллашгандир. Аммо шундай бир пайтда, яъни 1994 йил август ойида биз маслаҳатлашган ҳолда «Зарафшон» жамоа хўжалигини туман тайёрлов-савдо уюшмасига қўшиб олиб, алоҳида агрофирма ташкил этдик. Самараси кутилгандан зиёд бўлди. Ортиқча раисга ҳам, ҳосилот, муҳандис, бош ҳисобчига ҳам ҳожат қолмади. Хўжаликка ҳам, тайёрлов-савдо уюшмасига ҳам ўзимиз раҳбарлик қила бошладик. Натижада хўжалик ҳам, уюшма ҳам ривожланиш йўлига чиқиб олди. 1995 йилда пахта, буғдой, мева, сабзавот, картошка, пилла етиштириш йиллик режаси ошириб бажарилди. Пировардида даромад буромаддан ошиб кетди. Айни пайтда агрофирмамизда 600 тоннага яқин тола бор. Президентимиз Фармони асосида ихтиёрда қолган бу тола бугунги нарх-наво билан 56-60 миллион сўм демакдир. Биз бу билан хўжалигимиздаги минг нафар ишловчини ижтимоий ҳимоя қила оламиз. Масалан, ўтган йилнинг ўзида биз ички имкониятларимиздан келиб чиқиб, аҳолига 50 тонна буғдой, 50 тонна ун, 20 тонна ёғ, 70 бош қорамол, 380 қўй ва эчки бердик. Шуниси диққатга моликки, бу маҳсулот ва моллар халққа энг арзон нархда, дўконлардагидан 2-3 баробар кам баҳоларда тарқатилди.

Агрофирманинг асосий истиқболи унинг ери ҳам, суви ҳам, техникаси ҳам борлигидир. Тасарруфимизда 929 гектар суғориладиган ер бор, шунинг асосий қисми ғалла ва пахта майдонларидир. Бироқ, бу билан чегараланмасдан агрофирмани кенгайтириш, янги ерлар узлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз.

— Фирманинг эртанги куни, истиқболи ҳақида нималар дея оласиз?

— Очиғини айтадиган бўлсам, бу ҳали ишнинг бошланиши, холос. Тумандаги мавжуд бозорлар кенгайиши, янгитдан қурилиши асосан бизнинг маблағимиз эвазига ҳал этилди. Бўлардан ташқари янги иш ўринлари очиш мақсадида бичиш-тикиш цехи, дурадгорлик ва бетон ғиштлар ишлаб чиқарадиган кичик корхонлар қуриб ишга туширдик. Шунингдек, агрофирма ҳузурида замонавий, шарқона услубда қурилган чойхона ва ошхонани фойдаланишга топширдик. Айни пайтда уларда 300 га яқин ёшлар унумли меҳнат қилишмоқда.

Бироқ, инсон орзусиз яшамайди. Агрофирмани нафақат республикага, қолаверса, жаҳонга танитадиган муаммолар устида кўпроқ ишлашимизга, бош қотиришимизга тўғри келяпти. Масалан, туман тайёрлов-савдо уюшмасининг, қолаверса, агрофирманинг яна бир вазифаси бу — халқнинг қўлидаги қўй жунини, қоракўл ва мол терисини харид қилиши ҳамда қайта ишлаши лозим. Янглишмасам, ҳозир қишлоқ фуқаролари қўлида керагича жун ҳам, тери ҳам бор. Шуни ҳисобга олиб, биз жунни ва мол терисини қайта ишлаш кичик корхонлари бунёд этиш устида иш олиб боряпмиз. Шунингдек, сабзавот ва мевани қайта ишлаш саноатини вужудга келтириш хусусида ҳам елиб-югуряпмиз.

Қисқаси, ҳақиқий тадбиркорлик катта саъй-ҳаркатлар билан боғлиқ. Ўйлайманки, у бежиз кетмайди.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Турмуш сўқмоқлари

ОЙБАРЧИННИНГ ОҲЛАРИ

Суд зали. Темир қафас ичкарисидаги курсида соч-соқолига бевақт оқ оралаган, заъфарон рангли йигит бошини эгиб ўтирибди. Кўнгил кўчасига эрк берган бу йигит на ота-онасига, на суд мажлиси ҳайъатига тик боқа олади. Қабиҳлик, разиллик унинг ҳаётини чилпарчин қилганди.

Баҳодир ўзига тўқ оилада вояга етди. Отаси топармон-тутармон. У оилада тўнғич ўғил бўлгани учун башанг кийинар, тагида енгил машина, қаердадир номигагина ишлайди. Бу дунёда отасининг давлати, марҳаматидан давру даврон сурганга нима етсин? Оиласини ўйламайди, видеоси бор. Бир ёқда йигит-қизлар, лақма томошабинлар кўп. Беҳаё фильмларни қўйиб турса бас, чўнтаги қуруқ қолмайди.

Ҳозирги ёшлар, айниқса қизлар нимага ўч — яхши кийинишга, безаниб юришга. Айрим қизлар эса машинаси бор йигитларни ёқтиришади. Баҳодирнинг фикрича, фақат улардан эҳтиёт бўлиш шарт. Ахир, у икки бор уйланган. Хотини ўзга мақсадини билмаса бўлгани...

Баҳодир Ойбарчинларнинг кўчасидан ҳар куни ўтади. Қўшни қиз унинг юрагидан «ўрганига» анча бўлган. Бир неча бор қизни машинасида у ўқийдиган техникумигача элтиб ҳам қўйган.

— Биласанми? — деди у бир кун Ойбарчинга. — Онанг менга қизимни ёмон кўзлардан асраб юр, деб тайинладилар. Бирор йигит йўлингни тўсса, албатта таъзирини бераман-а!

Қиз майли, дегандек йигитга уялинқираб боқди. Ўн саккиз ёшли қизнинг нақш олмадек юзлари, тим қора сочлари — ҳамма-ҳаммаси Баҳодирнинг ҳушини олганди. «Меники, меники бўлишинг керак, Ойбарчин!». Йигитнинг миясида ана шу ўй ўтиб борарди. Ойбарчинларни олис туманга — пахта теримига олиб боришди. Баҳодир ундан тез-тез хабардор бўлиб турди.

— Йигитингми?— сўрашди бир куни дугоналари ундан.

Ойбарчин қизлар ҳавас қилишсин, дея секингина «ҳа», деди. Шу топда ўзининг бу сўзларидан қалбининг қаеридадир ҳарорат туйди. Туғилган кунини пахтазорда ўрнашиб олган. Ғузалликда тенги йўқ бу қизнинг ўн саккизинчи баҳори бодом қийғос гуллаган, анвойи гуллар ўз сепини ёйган кўкламга қиёс эди.

Баҳодир уни ҳар куни кўргиси келар, бир зумда қизнинг йўлида пайдо бўларди. Ойбарчин эса бу меҳрибон «тоға»сининг миясида қандай фикр чарх уришини пайқамас, шу боис унинг раъйига қарши бормай, секингина машинага ўтирар, техникум йўлини яқин қилишни ўйларди. Кунлар, ойлар эса нишонлашга тўғри келганда, Ойбарчинни сўроқлаб яна у борди. Дастурхон ёзилди, оз-оздан ичилди ҳам. Қизда уйига бориб келиш истаги туғилиб Баҳодирга юзланди. Домлалар ҳам рози бўлишди. Улар йўлга чиқишди, машина бир зумда тун қаърига сингди. Анча масофа босиб ўтилгач, йигит машинани четга олиб, оҳиста тўхтатди.

— Бензин тугаб қолди. Бироз кутамиз, бирор киши келиб қолар, — деди у.

Содда қиз унинг гапига ишонди. Йигит орқа ўриндиқда ўтирган қизнинг ёнига ўтди. У вақт ўтсин, деб қизга севги, муҳаббатдан узоқ сўзлади. Сўнг қизнинг билагидан ушлаб, шашт билан ўзига тортди. Ойбарчин иложсиз «йигитим бор, тегманг» деса ҳам Баҳодир кўнмади. Қизнинг «йигитим бор» деган сўзи «тоға»нинг вужудидаги рашкни оловлантирди. Қиз эса бор кучини йиғиб ҳимояга ўтди. Бу Баҳодирнинг ғазаб отини қамчилади, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Йигит мақсадига эришолмагач, ўриндиқ тагидаги пичоқни олиб, қизнинг кўксига санчди: «Мана сенга, мана буниси йигитинг учун! Мана буниси ўзим учун! Мана буниси, мана буниси!» Кетма-кет урилган пичоқ зарбидан қиз жимиб қолди. Нима қилиб қўйганини кейин англаган зўравон жасадни йўлдан анча олисгача кўтариб борди. Қалтироқ қўллари билан чуқур қазиб, кўмди...

Ҳукм ўқилди. Қотилга олий жазо берилди. Аммо... сўнгсиз изтироблар, ўринсиз гап-сўзлар, руҳий эзилишлар Ойбарчиннинг ота-онаси қаддини дол этди. Ахир, улар қизларига тўғри тарбия беришганди-ку? Ҳайҳот, қизнинг соддадиллиги ўз умрига зомин бўлди. Разил бир йигитнинг қурбонига айланди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ислоҳот ва масъулият

РАҲБАР КАРТОШКА ЕМАЙДИМИ?

Юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида уқувсиз, келажакни кўра билмайдиган, халқ ҳаётидан узоқда турган кишилар раҳбарлик лавозимларига келиб қолгач, қандай аҳвол юз беришини аниқ-равшан кўрсатиб бердилар. Ислоҳотлар вилоятда секин бориши билан бирга одамларнинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга етарли эътибор берилмади. Жумладан, сабзавот етиштириш камайиб кетди, вилоят аҳолисини картошка билан таъминлаш ёмон аҳволга тушиб қолди. Нарх-наво тинмай кўтарилиб бормоқда. Нега? Сабаби нимада?

Ҳаёт билан, ҳақиқий воқелик билан юзма-юз келганда ҳақиқат чақиндек қалбингизга урилади. Қарши шаҳридаги деҳқон бозорида сотувчи ва харидор ўртасидаги тортишувнинг беихтиёр гувоҳи бўлганимизда худди шундай аҳволга тушдик.

— Ака, сал инсоф қилинг, — дерди харидор. — Бир кило картошка 25 сўм-а? Шаҳрисабз бозорида 15 сўм эмиш-ку!?

— Майли, сиз сари борайин, — жавоб қиларди сотувчи. — Ана 23 сўмдан олинг. Аммо картошканинг асили шу. Энди, ҳар жойнинг тош-тарозуси бор. Шаҳрисабзда ҳам картошка 20 сўмдан кам эмас-ов. Ҳадемай, картошкани 50 сўмдан кам сотмаймиз. Бозорни чидаганга чиқарган...

Очиғи, уларнинг иккаласи ҳам ҳақ эди. Маҳсулотни етиштирган деҳқон бозор кўтарган нархда сотиш пайида. Харидор эса бу қадар кўтарилиб бораётган нарх-наво олдида ваҳимага тушган... Ахир, рўзғор учун картошка нондан кам зарур эмас. Бунинг устига ҳеч вақт бу серталаб неъмат бунчалик тош босмаган. Ўтган йили шу пайтлари энг сара картошка олти сўм билан ўн сўм орасида эди. Ҳадемай, уруғлик картошканинг килоси 50 сўмгача кўтарилиши ҳақидаги фикрни ҳам рад этиш қийин. Чунки ўтган йили кечки картошка уруғи 35 сўмга етганди.

Хўш, нега бундай аҳвол юз берди? Қашқадарё мамлакатимизнинг асосий табиий заҳираларигагина эмас, бир неча юз минглаб унумдор ерларда аҳоли эҳтиёжи учун етарли ноз-неъматларни етиштира оладиган имкониятларга ҳам эга эди-ку!? Ҳамма бало шундаки, талаб ва таъминот билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Тузилган режалар ҳаётдан нақадар узоқ эди. Юртбошимиз ўз нутқларида вилоятдаги ҳақиқий аҳволни ифодалайдиган рақамларни тилга олган эдилар: «Сўнгги йилларда мева, сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришга эътибор сусайтириб юборилганлиги сабабли ҳосилдорлик камайиб кетган. Масалан, 1992 йилга нисбатан бу йил 56,3 минг тонна сабзавот кам етиштирилган. Картошка 4 минг тоннага, мева ва узум 46,8 минг тоннага камайган...»

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Раим Раҳмоновнинг айтишича, амалда 7 минг тонна атрофида картошка етиштирилмоқда, аҳоли эҳтиёжи учун 20 минг тонна маҳсулот зарур. Демак, ҳамиша эҳтиёж четдан келтирилган маҳсулот эвазига қоплаб келинган. Очиғи, ҳозир Россия, Белоруссия ёки Украина каби давлатлардан картошка ташиб келтиришнинг ўзи бўладими? Эвазига энг серталаб товар бериш керак. Қолаверса, унумдор ерлар ўзимизда етарли, бошқага қўл чўзишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Агар ҳар битта туман минг тоннадан маҳсулот етиштирса, 15 минг тоннадан кам картошка бўлмасди. Аччиқ ҳақиқат шундаки, хўжаликлар учун картошка «фойда бермайдиган, асраш қийин, даҳмазаси кўп» маҳсулотга айланиб қолган. Масалан, Ғузор туман «Агрохизмат» уюшмаси раиси Равшан Хуррамов билан суҳбатлашганда, ўтган йили 130 тонна картошка етиштиришганини айтиб берди. «Сув кам, имконият йўқ», дейди раис. Бу туман картошкасини айрим моҳир деҳқонлар бор-йўғи 3 гектар жойдан олишмоқда. Юз минг гектарлаб майдонни эгаллаган Ғузор тумани аҳолиси картошка емас эканми? «Имконият эмас, ҳафсала йўқ», дейилса — ҳақиқат бўларди...

— Ишга ёрдам берадиган, асосли танқид фойдалидир, — дейди Чироқчи туман деҳқончилик уюшмаси раиси Турдибой Бобоназаров. — Олайлик, туманимизда картошка етиштириш «қўпаймаётгани» уруғликка ҳам боғлиқ. 1994 йилда 101 гектар ерга голланд картошкасини эккандик. Темир вагонларда эзилиб келган уруғ кўкариб чиқмади. Масъулиятни ҳеч ким бўйнига олмади, жабрни биз тортдик. Ўтган йили Касби туманидан келтирилган уруғлик картошканинг сифати бузилган экан, атиги 144 тонна маҳсулот олдик. Бу йил камида 500 тонна картошка етиштиришимиз лозим. Аммо уруғни қаердан оламиз — билмаймиз...

— Бу мулоҳаза жўяли, — дейди бизга «Китоб» агрофирмасининг тажрибали бригада етакчиси, олий ихтисосли аграном Нуриддин Раҳмонов. — Биз Голландиядан келтирилган уруғни ҳам экиб кўрдик. Ёмон эмас. Меҳнат қилса, ҳар гектардан 25-30 тоннадан ҳосил етиштирса бўлади. Ўтган йили ғалланинг ўрнига кечки картошка экмоқчи эдик, уруғ топилмади. Қайсидир хусусий фирманинг сараланмаган уруғини экдик, натижаси яхши бўлмади. Мен битта мулоҳазани айтай: кечки картошка экишга катта эътибор бериш керак. Ғалла ўрнига такрорий экилган кечки картошкани қиш даври учун асраш осон...

Нуриддин аканинг гапларидан ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Биз олдинги йили шу хўжаликда Голландиядан картошка экишга ёрдам бергани келган мутахассис Крис деган йигит билан учрашиб, суҳбатлашган эдик. «Юртингизда картошкадан юқори ҳосил олиш мумкин. Масалан, шу хўжаликда ҳосилдорликни 35-40 тоннага етказса бўлади. Фақат биз таклиф қилган технологияга қатъий амал қилиш лозим», деган эди у.

Голландиялик мутахассиснинг тавсиялари илм ва тажрибага асосланган. Айниқса, ҳайдаш, экиш ва кавлаб олишнинг барчасини махсус механизмлар бажаради. «Китоб» агрофирмаси ана шундай трактор ва мосламаларни Голландиядан харид қилган. Бироқ қимматбаҳо техникадан самарали фойдаланилмаётганлигини кўриб, ачинасан киши. Ваҳолонки, ана шу техника воситалари билан бир неча тумандаги картошка майдонларидаги оғир ишни енгиллаштирса бўларди. Бу хўжаликда экин майдони кам бўлса, уруғлик картошка етишмаса, энг замонавий механизмлар савлат тўкиб туравердими? Умуман, бу ишлар билан вилоятда кимдир шуғулланиши керак-ку!?

Ана шундай ташкилотлардан биттаси — Қашқадарё вилоят мева-сабзавот-узум саноат мажмуи кенгаши ҳисобланади. Сабзавотчиликка ихтисослашган асосий хўжаликлар шу ташкилот ҳисобида Кенгаш раиси Расул Тўрақуловнинг айтишича ўтган йили унга қарашли хўжаликлар 218 гектар ерга картошка экиб, 2085 тонна маҳсулот етиштирибди. Гапнинг сирасини айтганда бу тўхталиш лозим. Катта-катта ер майдонларини эгаллаган хўжаликлар аҳолини картошка билан таъминлашга ожизлик қилишаяпти. Ҳосилдорлик ҳам ўзига яраша. Уруғ топилмагандан кейин экиш режалари ҳам ўлда-жўлда. Бироқ ернинг ҳақиқий эгалари бўлган миришкорлар бир парча томорқаларидан мўл-кўл нозне̂ъмат етиштиришмоқда. Бозорларни тўлдираётганлар ҳам шулар. Уруғликни ҳам улар саралаб қўйишаяпти. Ҳеч қандай илмий муассасалар кўмак беришмаса-да, картошка етиштиришда голландияликлардан қолишмайдиган деҳқонларимиз бор. Бу ҳақда тажрибали мутахассис, Шаҳрисабз туман «Агрохизмат» уюшмаси раиси Жалол Рўзиев шундай дейди:

— Дарҳақиқат, тажрибасини ўрганадиган деҳқонларимиз озмунча эмас. Масалан, туманимиздаги Улаш қишлоғилик деҳқон Холбой Назаров етиштирган картошкалар орасида биттаси 1, 2 килограмм чиққани эсимда. Шу қишлоқлик миришкор Саъдулло Кенжаев картошка ҳосилдорлигини 35-40 тоннага етказган эди. «Оқдарё» хўжалигининг Сувтушар, Ҳисорак, Гелон қишлоқларида 10-15 сотих ердан 4-5 тонналаб картошка етиштираётган тадбиркорлар қанчадан-қанча. Мен анча йил «Навбаҳор» ўзбек-рус қўшма корхонасида ишлаганман. Бу жойда картошка яхши битади. Шуни кўзда тутиб, 200 гектар ерни ўзлаштиришни мақсад қилгандик. Орёл шаҳридан электр насослар олиб келдик. Анча иш қилинди, аммо насос станцияси қурилиши тўқсон биринчи йилдан буён тўхтаб ётибди.

— Юртбошимиз вилоят сессиясида тумандаги «Оқдарё» хўжалигини алоҳида тилга олдилар. Уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган рўз» жамоа ширкат хўжалигига раҳбарлик қилганман. Бу жойда картошка яхши битади. Шуни кўзда тутиб, 200 гектар ерни ўзлаштиришни мақсад қилгандик. Орёл шаҳридан электр насослар олиб келдик. Анча иш қилинди, аммо насос станцияси қурилиши тўқсон биринчи йилдан буён тўхтаб ётибди.

— Юртбошимиз вилоят сессиясида тумандаги «Оқдарё» хўжалигини алоҳида тилга олдилар. Уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган бу хўжаликда аҳвол қандай?

— Очиғи, бу хўжаликдаги шароит ҳеч қаерда йўқ, — дейди Жалол Рўзиев. — Тоғолди адирларида етиштирилаётган картошка вилоятда машҳур. Қиш даврида бозорларга асосан шу хўжалик миришкорлари картошка чиқаришади. Аммо ҳамма имкониятдан фойдаланилмаяпти. Агар иш яхши йўлга қўйилса, аҳоли томорқасини ҳам ҳисобга олганда, биргина шу хўжалик ҳудудида қарийб 15 минг тонна картошка етиштириш имконияти бор. Афсуски, бу имкониятлар юзага чиқмаяпти...

Ҳа Жалол аканинг қуйинганича бор. Булутлар тўш урган, чўққиларга ёндош тоғ қишлоқларида бунчалик картошка битиши яратганнинг имконияти. Трактор юриши қийин бўлган тоғ ёнбағирларини омоч ёки қўл кучи билан юмшатиб, деҳқончилик қилаётган кишиларга тан бермай илож йўқ. Аммо хўжалик картошкачиликка ихтисослашгани билан, маҳсулот етиштириш талаб даражасида эмас. Тўғри, режалар бажарилаяпти. Бироқ имкониятлар очилмаяпти. Масалан, хўжалик ишлаб чиқаришининг ўн йиллигини туман агрохизмат уюшмаси мутахассислари таҳлил қилиб чиқишди. 1986 йилда 1170 тонна, 1995 йилда 1700 тонна картошка етиштирилибди. Ўртада 1988 йилда маҳсулот 2138 тоннага етган экан. Тўғри, хўжаликда атиги 140 гектар ерга картошка экилмоқда. Лекин ишга солинмаган имкониятлар кўп. Янги ерлар очилаяпти. Ҳамма гап шунда-ки, хўжаликка раҳбарлик, тадбиркорлик, ташаббускорларга йўл бериш ёмон аҳволда. Олайлик, ўтган йили анча бўгдой ўрилмай, қор остида қолиб кетди. Катта майдонларга кузги дон экилмади. Туман прокуратураси ем-хашак тайёрлаш бўйича маълумотлар қўшиб ёзилганлигини аниқлади. Бундай вазият давом этаверса, картошка етиштиришни кўпайтиришга ҳам салбий таъсир кўрсатиши тайин гап.

«Оқдарё» хўжалигини алоҳида кўрсатишимиз бежиз эмас. Бу хўжалик уруғлик картошка етиштиришнинг асосий таянчи бўлиши керак. Яккабоғ, Китоб туманидаги шароити қулай хўжаликларни ҳам қўшиб ҳисобласа, уруғлик картошка етиштириш масаласини узил-кесил ҳал қилиш мумкин. Айниқса, кечки, такрорий картошка етиштириш муҳим бўлиб турибди. Яна бир масала — картошкани асраш билан боғлиқ. Вилоятдаги сунъий совутгичлар бу масалани ҳал қилолмайди. «Оқдарё» хўжалиги шароитида одамлар табиий ертўлаларда картошкани асрашмоқда.

Тоғ шароитида маҳсулот сифатини йўқотмай сақлашади. Бу тажрибадан кенг фойдаланса бўлади. Ана шунда уруғликни асраш ҳам, қиш даврида аҳолини картошка билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилади.

Бу масалаларни тилга олар эканмиз, юртбошимизнинг вилоят Кенгаши сессиясида айрим раҳбарларнинг ноқобил эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини таъкидламай илож йўқ. Бугун эса вилоятда янгилик нафаси яққол сезиляпти. Агар ишбошилар одамлар дарди, талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ ҳис қилсалар, тараққиёт ва ислоҳот жадаллашади. Вилоят аҳолиси учун четдан картошка ташиб овора бўлишга ҳожат қолмайди. Аксинча Қашқадарё мамлакатимиз дастурхонига нондек тансиқ картошкадан мўл-кўл тортиқ эта олади. Бунга эса қоғозда эмас, амалда эришиш керак.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

ҚИРҚ ДАСТУРЛИ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Бухородаги «Бухоройи Шариф электроникс корпорейшен» қўшма корхонаси аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида бир талай ишларни амалга ошираётир.

Дейлик, Жанубий Корея билан ҳамкорликда бу ерда ишлаб чиқарилган ихчам ва бежирим рангли телевизорларни республикамизнинг барча марказий дўконларида учратиш мумкин. Эндиликда корхона ўз имкониятлари доирасини янада кенгайтира бориб, Олмония билан ҳамкорликда янги «Грундик» номли рангли телевизорларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундан бир неча йил илгари Ўзбекистонда шундай ажойиб маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Экрани оддий телевизорга қараганда бир ярим баравар катта, оғирлиги 40 килограмм бўлган 40 дастурли ушбу рангли телевизорларни мустақиллигимизнинг меваси десак муболаға бўлмас.

— Маълумки, бугунги кунга келиб, дунёда электроникага бўлган талаб кундан-кунга ортмоқда, — дейди қўшма корхона йиғув цехининг бошлиғи Шариф Сатторов. — Биз шартнома асосида кунига 5 дона, ойига эса 100 дона ана шундай телевизорларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз. Корхонамизда меҳнат қилаётган мутахассислар Ўзбекистонда ҳам электроникани етакчи бир тармоқ сифатида шаклланиши учун бир қанча ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари билан битимлар тузиб, жамловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлардан биргаликда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол — миллиардлар ўйини

СТАДИОН УЗРА 500 МИНГ ТЎП

Футбол ишқибозларининг дилоғи чоғ. Хурсанд бўлишганича бор-да. Бир пайтлар бундайларни «бекорчихўжа»ларга чиқаришарди. Бугунчи? Ҳамманинг оғзида футбол. Ҳозир қайси идорага кирманг гап футбол ҳақида: янги стадионлар очиш, эскисини таъмирлаш, клублар ташкил қилиш, футбол жамоаларига шарт-шароит яратиш... Ўтган йил охирида нуфузли йиғилишлардан бири футбол масалаларига бағишланди. Юртбошимиз бу соҳадаги муаммоларни рўйи-рост очиб ташладилар. Яқинда эса Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор, таъбир жоиз бўлса, футболимизни жаҳон андозаларига солиш, чинакам дунёвий профессионал клублар яратиш борасидаги энг мукаммал ҳужжатдир.

1996 йил юртимиз мухлислари учун футбол йили десак, муболаға бўлмас. Қарорда профессионал футболни шакллантириш, ҳақиқий клублар яратишнинг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий асослари, клублар низомларининг моҳияти очиб берилган. Яна бир эътиборли томони шундаки, қарор йил бошида эълон қилинди. Жамоалар ўз фаолиятларини тубдан янгилаш, узғача асосларда клуб тузиш учун фурсат етарли. Қарорда айтилган 10 кун ичида тайёрланиши лозим бўлган футбол клубининг намунавий низоми аввал лойиҳа сифатида матбуотда эълон қилиниб, муҳокамага қўйилиб: кейин мукаммал ҳолда қабул этилса, яхши бўларди.

Қарорнинг ҳар бир банди бўйича қоғиқиш билан фикр айтиш мумкин. Лекин менга энг қаттиқ таъсир қилгани: «Ўзкимёсаноат» уюшмаси «1996 йилда 500 минг дона резина тўплар ва камералар тайёрлашни таъминласин» дейилгани бўлди. Бу қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати бўлиб, жаҳон андозаларидаги футбол ва унинг ташкилий асосини яратишдек масалалар қатори тўп ишлаб чиқариш унутилмаганлиги кишини қувонтиради.

Тасаввур қилинг, 1996 йилда Ўзбекистон стадионларида 500 минг тўп ўйинга ташланади. Бунга ўша сеҳргар Ибн Хаттобнинг ҳам қудрати етмасов. Гап шундаки, энди ёшлар дуч келган нарсани тўп қилиб тепиб юрмайдиган бўлишади. Яқинда латтадан тўп ясаб тепаётган болаларни кўриб ўйга толгандим. Болалар эса: «Тўп йўқ, кейин қиммат» дейишувди. Ҳа, резина тўплар эса катта футбол учун биринчи қадамдир. Болалар учун айни муддао.

Ҳужжатда оммавий ахборот воситалари олдига ҳам футбол жамоалари фаолияти муаммолари тўғрисида мунтазам ёзиб бориш вазифаси қўйилган. Бу соҳада кейинги йилларда кўп ибратли ишлар қилинди. Умуман, спорт журналистикасини ривожлантириш, спорт мавзуида ёзадиган қаламкашларга эътибор ва имкониятлар, имтиёзлар яратиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Спорт қўмитамиз шу соҳа адабиётига эътибор қаратмоғи лозим. Спортга ихтисослашган нашриёт очиш фурсати етгандек. Соҳага аталган қўшиқлар танловини ўтказиш керак. Футбол ҳақида умуман қўшиқлар йўқ ҳисоби. Яна бир қизиқ ҳол. Собиқ СССР футболининг гимни бўларди. Уйинчилар ва ҳакамлар ана шу мусиқа-марш остида майдонга чиқишарди. Миллий чемпионатимизда ҳам кўп жойларда шу мусиқадан фойдаланиляпти. Нақотки футболимизга миллий руҳдаги, жозибадор мусиқа яратиш қийин. Шу уринда, бошқа мамлакатлар қатори шу соҳага дахлдор «Футбол» номидаги янги, рангли журнал чиқарилса, нур устига аъло нур бўларди. Шунингдек, мен кўпдан бери Ўзбекистоннинг «Маҳалла» чемпионатини ўтказилишини ўйлаб юраман. Бу янги истеъдодлар учун қулай имконият бўлар эди. Бу ишга бош-қошликни «Маҳалла» жамғармаси олиши мумкин.



Диққатга сазовор масалалардан бири йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш ва унга Ўзбекистон Президентининг махсус совғини берилиши айтилган. Бир қарашда унча кўзга ташланмайдиган бу ҳолатнинг узоқ етакчи футболчилар ва тренерлар ўртасида соғлом, соф спорт муҳосидаги рақобатни кучайтиради, ўйинларимизга, умуман чемпионатимизга жозиба бахш этади. 1995 йилнинг энг яхши ўйинчиси учун суровни «Спорт» газетаси ташкил этганди. Унда Олег Шацких ғолиб чиққанди. Шу суровда мен ҳам қатнашганман ва энг кучли уч футболчини тўғри топганим билан ўзимча хурсанд бўлиб юраман. Қарор туфайли бундай суровнинг нуфузи ошади, унда иштирок этувчи журналистларнинг ҳам масъулиятини кучайтиради. Бир истак, бундай суровларда қатнашувчи журналистлар, умуман шу соҳада ёзадиган қаламкашлар Футбол федерациясида аввалидан рўйхатга олиниб, аккредитация қилиб қўйилса яхши бўларди.

Аслида бугунги футбол кўтаринкилиги сал олдинроқ бошланганди. 1993 йил 18 мартда Вазирлар Маҳкамаси футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилганди. Бу ҳужжат; таъбир жоиз бўлса, собиқ Иттифоқ футбол чемпионати тарқаб кетгач, ҳали узини ўнглолмай, эътиборсизлик туфайли сўнаётган, дунёдаги энг оммавий, энг халқчил ўйинга қайта жон бағишлаганди. Ўша ҳужжат фақат биз учунгина қувончли бўлиб қолмай, чор-атроф мамлакатларда нотинчлик, биродаркушлик, хунрезлик юз бераётганда қабул қилиниб, дунё сиёсатдонларини лол қолдирганди. Бу, биз энди бугунги куннинг ташвиши билан эмас, эртанги куннинг умидлари билан яшаётганимиздан ҳам дарак эди. Футбол энди бир ҳовуч кишининг иши эмас, сиёсатга айланди. Ҳокимлар ишга бошқош. Туманда биттадан стадион қурилса ё тикланса, бу қанча бўлади...

Қолаверса, икки ярим йил ўтиб Президент бу масалани кескин қўйиши, яна қарор қабул қилиниши ва унинг ижросининг ҳисоботлари аниқ саналарда кўрилиши олиб борилаётган сиёсатнинг барқарорлик ва изчиллигидан дарақдир.

Қорни тўқ, кўнгли хотиржам, ишлари бадастир юртдагина бошқа ҳаваслларга ҳоҳиш бўлади. Шу маънода мамлакатимизда футбол ривожи, уни халқ ичида янада оммалаштириш бўйича моддий-маънавий асослар етилган. Қарордан кўзланган мақсад — миллат соғлиғи, юрт довруғи, соғлом авлод тарбиясидир.

Жаҳон футболининг отахони, ФИФА президенти Ж. Авеланж яқиндаги суҳбатлардан бирида шундай деганди: «Ҳозир дунёда футболга алоқадор, у орқали маош олиб, рўзғор тебратаётган кишилар сони 200 миллионга етди. Уларнинг оиласи ўртача 5 кишидан иборат бўлса, демак бир миллиард киши футбол орқали ҳаёт кечирмоқда». Бунга қўшимча қилиб футбол ишқибозларини ҳам назарда тутадиган бўлсак, беш миллиардлик бу дунёнинг ярмидан кўпи футболни севадиганлар эканлиги аён бўлди.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
журналист.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!

ФИРИБГАРНИНГ НАЙРАНГИ

Ўшанда туман жамғарма банкидагилар ҳазилакам ташвишга тушишмади. Чунки банкка кетма-кет қалбаки чеклар келиб туша бошлаганди. Фуқароларнинг ойлик маошлари, турли тўловлари қайд этилган чек дафтарчалари қуруқ қоғоз эмас, накд пул ўрнига ўтар, унинг воситасида ҳар хил товарларни бемалол харид қилса бўларди. Чекларни сохталаштириш қалбаки пулни ўтказиб юбориш билан тенг эди.

Банк ходимларининг бошини қотирган чеклар пулли савдо ташкилотлари, фирмалар, фуқаролар номидан топширилади. Баъзи чекларда умуман қолдиқ сумма йўқ бўлиб, сотувчилар чув тушганди. Ана шу қалбаки қоғозлар эвазига ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар сотиб юборилган экан. Бу чигал масалага туман прокуратураси аралашгач, воқеа ойдинлаша бошлади.

Дастлаб, жамғарма банкининг 17-шахобчасидан Гулчирой Раҳимова номига берилган «ЯА-0850353» ҳисобли чек дафтарчаси эътиборни тортди. Маълум бўлишича, Раҳимованинг иш жойи — Китоб ип-йигирув корхонасидан ҳомиладорлик таътилига тўланадиган 2110 сўмлик пул жамғарма банкига ўтказилган ва унга чек дафтарчаси ёзиб берилган эди. Қизиғи шундаки, Раҳимованинг чек дафтарчасидан олинган ҳисоб варақаларига Дилсўз Ашурова номидан 650 сўм, Анвара Аҳмедова номидан 980 сўм, Феруза Раҳмонова номидан 700 сўм маблағ ёзилиб, турли буюмлар харид қилинибди.

— Мен чек дафтарчамни озиқ-овқат олиб келиш учун қайнотам Бўри Ҳамроевга берган эдим. Банк ходимлари сохта чек ишлатгансиз дейишди, — изоҳ берди Гулчирой Раҳимова. — Бу воқеадан ҳайрон бўлиб қолдим.

Ҳайрон бўлганича бор эди. Қайнотаси Бўри Ҳамроев келинининг чек дафтарчаси ва паспортини Китоб деҳқон бозорида савдо-сотиқ билан юрган бир аёлнинг қўлига топшириб, қолдиқ суммани пулга айлантириб беришни илтимос қилган экан. У фирибгарнинг қўлига тушгани, чек дафтарчасидан тўлов учун ўтадиган 6,8-қасноқ («корешок»)ларни олиб қолганини хаёлига ҳам келтирмаган...

Чувалганидан чувалиб кетган, товламачиликдан иборат бўлган жиноятнинг тугуни ечила бошлади. Унгача яна бошқа сохта чеклар тўлов учун қабул қилингани ҳам аниқланди. Улардаги дастхатлар суд хатшунослик экспертлари томонидан чуқур таҳлил қилинди. Чеклар бир киши томонидан тўлдирилган бўлиб, у Китоб туман умумий овқатланиш корхонаси буфет мудири Турсунтош Ҳалимова бўлиб чиқди.

1951 йилда туғилган, беш нафар фарзанди бўлган бу аёлнинг яхшигина иши бўлган. У ҳам бошқалар сингари ҳалол меҳнат қилиб яшаши мумкин эди. Бироқ у бундай турмушга қаноат қилмади. Одамлар ишончини суиистеъмол қилиш, алдаш, фириб бериш орқали кун кечиришга мойиллиги инсоф ва диёнатдан устун чиқди. У корхона маҳсулотларини деҳқон бозорида сотар экан, одамлар чек дафтарчалари ва паспортларини унга ишониб беришар эди. Савдо ташкилотида ишлаб, кўзи анча пишиб қолган Ҳалимова пул ўрнида ўтаётган чеклардан бир нима чиқаришни ўйлаб, беҳаловат эди...

— Менга иш ҳақимдан 390 сўм чек дафтарчамга ўтганди, — дейди гувоҳ Турсун Очилов. — Уни ишлатдим. Яна 500 сўмлик чек ёзиб беришди. Шундан саксон сўм қолганда, бозорга қалпоқ олиш учун бордик. Дўппидўз «чек олмайман, Ҳалимова Турсунтош опага борсанглар, пулга алмаштириб беради», деди. Шундан кейин онам иккимиз шу жойда савдо-сотиқ қилаётган аёлдан чекни пулга алмаштириб олдик. Кейин уйда дафтарчанинг 4-ва 8-қасноқлари йиртиб олинганлигини билиб қолдим. Аммо чек дафтарчада қолдиқ пулим қолмаганлиги туфайли ҳеч ким ишлата олмайди, деб ўйлагандим.

Лекин Ҳалимованинг ўйлари бошқача эди. Очиловга тегишли чекларнинг биттасига 500 сўм ёзиб, Мусо Иззатов номидан, иккинчисига 620 сўм ёзиб, Манзура Мирзаева номидан 6-дўкон мудири Бахтиёр Исмоиловни чув туширди. Дўкондан олган ун учун тўлаб юборди. Чекнинг қасноғи тегишли шахсларга оид паспортларнинг русум ва рақамлари аниқ битилган ишончли ҳужжатлар топширилгандан кейин, алданмай бўлармиди. Савдо-сотиқ қилганда Ҳалимова ўнлаб кишиларнинг паспортлари билан таниш эди-да! Эндиликда бу одамларга фириб беришда унга қўл келаётган эди. Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган фуқаро Убайдулло Ғайиров: «Чек дафтарчам ва паспортимни ҳеч кимга берганим ҳам, Қиёмиддин Пиров номидан чек топширганим ҳам йўқ», дея ҳайрону лол бўлганида ҳақ эди. Фақат у бир марта Турсунтош Ҳалимовадан маҳсулот сотиб олганини унутганди. Ўша аснодаёқ, дафтарчадаги 2 дона чек йўқолиб қолди. Худди сеҳргарлик дейсиз.

Кўзбойлағич аёлнинг макрига илинганлар шуларгина эмас. 1995 йилнинг 13 мартида Турсунтош Жабборовага берилган дафтарчадан ўғирланган чекка Мавлуда Аҳмедова номи ёзилиб, 6-дўкондан маҳсулот олинди. Каромат Муминовага тегишли чекдан фуқаро Майрам Ҳалимова «фойдаланиб», «Ўткир» хусусий фирмасининг дўконидан 95 сўмлик маҳсулот харид қилганини тушида ҳам кўрмаган, албатта. Бундай мисоллар кўп. Шу тарзда товламачи Турсунтош Ҳалимова қалбаки чеклар эвазига 6480 сўмлик мол-мулкни ўзлаштирди. Ва Ўзбекистон Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг «Б» бандида кўрсатилган жиноятни содир этди.

— «Турмуш кечириш қийин бўлиб қолди», — дейди Турсунтош Ҳалимова қилмишлари исботлаб берилгач. — Шунинг учун бу ишга қўл урдим.

Товба-тазарру жиноятга юз тутгандан кейин келади. Афсуски, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди. Бошқаларга ҳам енгил эмас. Лекин улар ҳалол меҳнат қилмоқда.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиш жоиз. Қалбаки чекларга учиб, маҳсулот бериб юборганларнинг кўпчилиги савдо ходимлари. Наҳотки, улар тўланаётган чекнинг қасноғи ёки варағини эмас, тўлиқ дафтарчани, тўловчининг паспортини талаб қилиш кераклигини билишмаган? Билишган, аммо ўзлари сингари савдогар аёлнинг алдаб келишини хаёлларига келтиришмаган. Тўлов воситаси сифатида чек, вексель ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бозорга кираётганда, фирибгарларнинг йўли тусилмоғи лозим. Юз берган жиноятнинг аччиқ сабоғидир бу.

Амир ЯНГИБОЕВ,
Китоб туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Санъат

«ЁҒОЧ ҚИРОЛ» САҲНАДА

Бухоро (мухбиримиздан) . Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали ва комедия театри ижодий жамоаси мухлисларни янги спектакль билан хушнуд этди. Валерий Зиминнинг «Ёғоч қирол» асари саҳналаштирилди.

Икки пардали эртак-комедия асарини «Мулоқот» театр-студияси режиссёри Абдураҳмон Абдуназаров саҳналаштирди. Адолат ва хўрликни разолат ва зулматдан устун келиши ғояси илгари сурилган бу саҳна томошаси мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. Асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлар Салоҳиддин Каримов, Файзулла Абдуллаевлар ижро этишган.

CUKURS - BIZNESS
ЦУКУРС - БИЗНЕС ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона.
Телефонлар: (3712) 60-04-17, 34-05-07, 34-00-98.

Бунинг учун фақат кўнгирогингиз кифоя!

Эҳтиром

НУКТАДОНЛИК

Бундан чорак аср муқаддам диплом иши ёзиш тараддудида юрган кезларим эди. 20-йилларда нашр этилган «Маориф ва ўқитувчи» журналини варақлаб туриб, шоир Чўлпон қаламига мансуб «Шоҳнома»нинг туркча таржимаси» сарлавҳали каттагина мақолага дуч келиб қолдим. Уни Ҳамиджон Ҳомидов деган муаллифнинг шу мавзудаги номзодлик рисоласи билан солиштирсам, баъзи ўринларда чатоқлик бордай. Ёшлик эмасми, ҳовур баланд: тезпишар «илмий» хулосалар чиқариб, «Тошкент оқшоми»да бир нордонгина мақола бостириб юбордим.

Ҳамид акани дастлаб шу зайлда билган бўлсам, яқинлигимиз орадан салкам ўн беш йил ўтгандан кейин бошланди. Тақдирни қарангки, мен у киши мудирлик қилаётган Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасига аспирант бўлиб келдим. Муҳими бу ишда у кишининг хайрихоҳлиги, ҳатто кўмаги бор эди. Хом сут эмган бандамиз-да. Хаёлимдан «бу одамнинг ўтган гаплардан хабари бўлмаса керак» деган фикр ўтди, ўшанда.

Иттифоқо, адабиёт тарихига оид бир мақолалар мажмуаси қўлимга тушдию тилимни тишлаб қолдим. Унда домланинг Фирдавсий ижодига доир тадқиқоти босилган бўлиб, менинг ўша мақоламга ҳам батафсил муносабат билдирилган эди. Босиқ оҳанг, салмоқли далиллар билан ҳақ-ноҳақ ажрим қилинибди. Ана шунда Ҳамид аканинг беғараз олим, ботиний бир маданиятга эга инсон эканлигини англадим, ихлосим ошди. Шу-шу у кишининг ижодига ҳам, шахсига ҳам ўзгача нигоҳ билан назар соладиган бўлиб қолдим. Кўпинча хаёл суриб юрадиган, озгингина жуссали бу инсоннинг илмий салоҳияти, нозик таъби, нуктадонлиги бир-бир намоён бўла бошлади...

Профессор Ҳамиджон Ҳомидов «томчи тома-тома тошни тешар» деган нақлга амал қилувчи, эринмай ишлайдиган олимлар тоифасидан. Ўттиз йил мобайнида Шарқнинг буюк даҳоларидан бири Абулқосим Фирдавсий ижоди ва унинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни масалалари билан муттасил шуғулланиб келади. Ана шу илмий йўналишда номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёзди.

Ҳ. Ҳомидов ўтмиш адабиёти ва санъатидаги буюқ алломаларимизнинг ҳаёти, ижоди, ибратли ишлари билан бугунги насларни таништиришга алоҳида аҳамият беради. Олимга катта шуҳрат келтирган «Олис-яқин юлдузлар», «Боқий бўстон таровати», «Қирқ беш аллома ҳикояти» сингари китобларнинг ҳам илмий, ҳам маърифий қимматини таъкидлаш жоиз. Олим ижодининг қирраларидан яна бири — матншунослик. «Сиёвуш қиссаси», «Тазкиротул авлиёйи туркий», «Шоҳномаий туркий» каби ноёб асарларнинг қайтадан халқимизга тақдим этилиши унинг хизматидир.

Ҳамид ака асли Наманганнинг Косонсойидан. У ўзбек ва тожик тилларига баб-баравар чечан. Зуллисонайн олимнинг лафзи ширин, суҳбати пурмаъно. У ҳангомаларда гоҳ ўзбек, гоҳ тожик тилидаги иборалар, ҳикматлар, байтлар билан ўз нутқини зийнатлагани сабаб, айтганлари кишининг дилига жо бўлиб, муҳрланиб қолади. Бу хусусият нафақат суҳбатида, ижодида ҳам кўринади. Унинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тожик адабиёти кенгашини бошқаришининг боиси ҳам шундан. Мутаржимлиги устига муҳаррирлигини, мураббий устозлигини қўшсак, олимнинг фаолият доираси нақадар кенглиги ойдинлашади.

Ҳамид ака етимликнинг азобию ситамини бошидан кечириб, машаққатнинг қаттиқ нонини еб катта бўлган одам. Шунданми — дабдабаю асъасаларни кўпам хушлайвермайди. Аммо инсоннинг қадрини тиклаш, меҳр-оқибат кўрсатиш пайида бўлади. Дўст-ёронлардан, шогирду мухлислардан маслаҳатини, мададини аямайди. Доим кимнингдир ташвишини чекиб юради. Неча бор диссертация ҳимояларида етти ёт бегона тадқиқотчиларга «ҳимоячи» бўлиб чиққанини, айрим камчиликларга ёпишиб олиб, бир инсоннинг умрлик меҳнатига қора чизиқ тортмоқчи бўлганларга қарши жон-жаҳди билан курашганини кўрганмиз. Илмий ишнинг моҳиятини қамрови кенг олимга хос кўлам ва теранлик билан очиб берганларининг гувоҳи бўлганмиз...

Бугун Ҳамид ака руҳи баланд. Эртани истиқболни кўзлаб турибди. Дилида эса келажак манзиллардаги олис-яқин юлдузлар жамолининг васфи учун янги сўз, янги ташбеҳлар кўз очмоқда.

Абдусалом УМАРОВ,
Низомий номидаги ТДПИ таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик кафедраси мудири.

Спорт

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Хитойнинг Харбин шаҳрида учинчи қишки Осиё ўйинлари байроғи кўтарилди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўзига хос байрамга айланди.

Осиёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган моҳир йигит-қизлар момиқ қор билан қопланган тоғли масканда спортнинг қишки турлари бўйича қизғин баҳс юритадилар. Кеча Ябули қишлоғида тоғ чанғиси усталари ўртасида супергигант баҳслари бошланди. Эртага эса катта слалом ҳамда фристайл ўйинларига киришилади. Маълумки, Осиё ўйинларида иштирок этаётган 10 нафар спортчимиз тоғ чанғиси, фристайл ҳамда фигурали учиш мусобақаларида иштирок этадилар. Ўйлаймизки, йигит-қизларимиз совринли ўринларга астойдил даъвогарлик қиладилар.

САМБОЧИЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Юртимизда спортнинг бир қанча турлари бўйича Ўзбекистон спартакиадаси давом этмоқда.

Мухлислар Чирчиқ шаҳрида боксчилар спартакиадасининг шоҳиди бўлишган эди. Яқинда эса Урганч шаҳрида самбочилар ғолиблик учун курашдилар. Беллашувларда 150 нафар полвон иштирок этди. Вазнларига кўра, тошкентлик Рудольф Ким, Тошкент вилояти вакили Зокиржон Шарипов, самарқандлик Фарҳод Хўжамов билан Иброҳим Каримов, Хоразмдан Санъат Одамбоев, Алишер Йўлдошев ҳамда бухоролик Ботир Хўжаев зафар қучдилар. 100 килограммдан ортиқ вазндаги Муҳаммаддўст Тошев (Тошкент вилояти) ҳам муваффақият қозонди. Жамоа ҳисобида Самарқанд, Хоразм ва Бухоро самбочилари совринли ўринларни эгаллашди.



Ҳақиқий қиш келди, ўлкамга!

Шоназар ИБРОҲИМОВ сурат-лавҳаси.

Аҳмат гаплар

КИР СОВУНГА ЕТАДИ

Одам организмининг таркибида 222 та суяк, 270 та мускул, 2000 метр пай, 6 литр қон, 600 грамм туз, 1,1 кг. тери, 50 литр сув бўлар экан. Одам танасидаги темир моддаси йиғиб олинса, ўртача битта мих ясашга етаркан. Ёғ эса еттита кир совунга етади. Фосфор моддасидан 4000 та гугурт донасини тайёрлаш мумкин.

АРОҚ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Афсоналарга кўра, бир киши овқат қолдиқларини идишга йиғиб қуяверган. Кунлар ўтиб бу идишдан ачиган ҳид келади. Унинг эзилиб оқаётган сувини текшириб кўришади. Тотимидан дили шод бўлганга ўхшайди. Шунда у одамлар учун фойдали ичимлик кашф этдим, деб уни хуш ёқадиган, яъни арабча-алкогол деб атайди.

Алкогол тез орада тарқалиб, турмушга сингиб боради.

СИГАРЕТ МАШМАШАСИ

Савдогарлар бозорга биринчи марта тамаки олиб келишганда бир доно одамларга: «Тамаки соғлиқ учун зарар келтиради», деб айтган экан, бозор касод бўлиб, тамакини ҳеч ким олмай қўйибди. Норози бўлган савдогарлар тамаки ҳақида ўз фикрини ўзгартиришни донодан илтимос қилибдилар. Шунда доно: «Ҳалойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уйига ўғри тушмайди, қаримайди», дебди. Кейин тушунтирибди: «Тамаки чеккан киши ҳассага таяниб қолади, ҳассалик кишини ит қопмайди. Чеккан одам доим йўталади, демак уйига ўғри тушмайди, чеккан одам қаримасданоқ ёш ўлиб кетади».

Бунча беғуборсан, болажон

АЧОМЛАСАМ — ТУЗАЛИБ ҚОЛАСИЗ...

Кичкинтойлар билан гаплашсам, чарчоғим ёзилади. Асабларим дам олади. Уларнинг ажабтовур саволларига жавоб қидириб, кутилмаганда ўзим ҳам «ақлли» бўлиб қоламан. Баъзан жиндек танбеҳ бериб — уч ёшли қизчамдан яхшигина дашном ҳам эшитиб оламан.

Сиз ҳам болаларингиз қизиқроқ гап айтса, шунчаки кулиб қўя қолманг — мушоҳада қилиб кўринг! Чунки бу сўзларнинг замирида фарзандингизнинг учқур хаёллари, покиза орзулари, митти армонлари яширингандир.

— Ая, келинг, иккаламиз ўйнаймиз.

— Бўпти.

— Сиз магазинчи бўласиз, хўпми?

— Хўп.

— Унда анави сандиқдаги янги қўғирчоғимни оберинг!

— Вой, қизим, қара, қанча қўғирчоқларинг турибди. Ушаларни ўйнай қол.

— Ий-э, ая! Сиз магазинчисиз-ку! Магазинчи нимани оберинг деса, ўшани обериши керак, билдийизми?

***

— Қизим, бор, мендан узоқроқда ўйнагин, грипп-ман.

— Вуй, мен сизни ачомламоқчийдим...

— Йўқ, керакмас. Мен касалман деяпман-ку!

— Унда ўзим ачомлаб, сизни тузатиб қўяман! Сиз ҳам мени ҳар доим ўпиб тузатасиз-ку!

***

— Аяжон! Мени ширин бола қилиб қў-йинг!..

— Қандай қилиб?

— Чиройли! Янги!.. қуйлаклар кийгизиб қўйсангиз, ўзим дарров ширин қиз бўлволаман.

***

— Моҳинур, кимларни яхши кўрасан?

— Сиззи, Забаржадни, ойнани яхши кўраман.

— Ий-э, ойнани нима учун яхши кўрасан?

— Ойнани ичида Моҳинур борда! Ушан-чун яхши кўраман!

***

— Моҳижон, уч-тўрт йил чидаб тур. Мактабга борсанг, кундузи ухламайсан. Маза қилиб ўйнаб юрасан.

— Мактабда ўйинчоқлар йўқ-ку, нимани ўйнайман?

***

— Туш кўрдингми?

— Ҳа,

— Нимани кўрдинг?

— Тушимда ҳеч ким йўқ экан. Ҳамма ухлаб қопти.

***

— Ая! Нимага мунчоқ тақволдийиз? Ишга кетасизми?

— Йўқ, бугун байрам, ушанга тақволдим.

— Унда менгаям мунчоқ тақиб қўйинг, Шунда каттароқ байрам булади-да!

***

— Моҳи! Музқаймоғинг қўйлагинга тўкилянти!

— Аяжон, оз-гина тўкилса, уруш-май қуя қолинг! Қуйлагимнинг ҳам музқаймоқ егиси келаётгандир!..

***

— Боғча опангдан кўрқасанми?

— Кўрқаман.

— Мендан-чи?

— Йўқ. Сиззи яхши кўраман.

— Нега мендан кўрқмайсанми?

— Э, яхши кўраман дедим-ку! Яхши кўрсаям кўрқадими!

***

— Ая, менга шахматни оберинг, сочмасдан ўйнайман!

— Ҳозир! Тухтаб тур...

— ...

— Вой, эртага бўп кетвотти-ку! Оберақолинг!

***

— Ая, нимага қуёш биттаю, ой иккита?

— Ой ҳам битта-ку, қизим.

— Йўқ, ой иккита. Биттаси янги ой, биттаси эски ой. Биттаси кич-кина, биттаси-кат-та!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

• Қишда юз терисига совуқ ёмон таъсир қилади. Қуруқ тери совуқда қизил доғлар билан қопланади, ҳатто пўст ташлайди. Парвариш қилиш учун қайнаган сувга глицерин қўшиб (бир стакан сувга бир ош қошиқ глицирен қўшилади) кечқурун юзни ювиш лозим. Юзга ўсимлик мойи ёки қатиқ суриб кейин қайнаган сувга ювса ҳам бўлади. Кўчага чиқиш олдидан юзга юпқа қилиб крем суриб, кейин упа қўйиш тавсия этилади.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

"ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" АСИЧЖ (МУМ)

қадрли аёлларимизга Франциянинг дунёда донғи кетган **"Ив Роше"**, **"Парфикс"**, **Исроилнинг "Амсав"** фирмаларида ишлаб чиқарилган косметика ва парфюмерия маҳсулотлари;

"Отто Кёрн" (Германия), **"Пьер Карден"** (Франция), **"Сан-Серо"**, **"Луис Феро"** (Италия), **"Тхоместа"** (Финляндия) ва яна 32 етакчи хорижий фирмаларда тикилган кийим-кечаклар, трикотаж буюмлари ва пойабзаллари;

Эркаклар ва аёллар пальтолари, плашлар, курткалар, костюмлар, камзуллар, шимлар, кўйлаклар, юбкалар, кўйлак-костюмлар ва галстукларнинг замонавий урфдаги ва аъло сифатли кенг турларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сизларни кутамиз ва ташрифингиздан мамнун бўламиз!

Илк учрашув

ЖАНУБДА БИР ГУЛМОҲ БОР

Жануб томонларда Гулмоҳ Мелибоева деган қўшиқчи бор. Кўплар балки эшитган ҳам чиқар. Ўн бир ёшидан бери қўшиқ айтади. Кўп тилларда, шу жумладан тожикча, ҳиндча, арабча, туркча қўшиқлар айтаётган бу хонандани Сурхон воҳасида билмаган, эшитмаганлар йўқ ҳисоб.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ «Чашма» ансамблига қатнардим, — дейди Гулмоҳ. — Туман, вилоят ва республика ўқувчиларининг «Санъат ғунчалари» кўрик-танловларида қатнашиб, бир неча бор ғолиб бўлдим. Мактабни битиргач, Душанбе Санъат институтига ўқишга кириб, уни 1994 йилда тамомладим. Ҳозир эса «Сумбула» бадиий ҳаваскорлик ансамблига раҳбарлик қиляпман.

Уч нафар фарзандни тарбиялаш, рўзғор ташвишлари, қолаверса, САНЪАТ дея аталмиш нозик ва сеҳри оламга ошно бўлиб, халққа беминнат хизмат қилиш ҳар қандай аёлнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин Гулмоҳ буларнинг ҳаммасига улгуради.

— Тўғри, қийинчиликлар ҳам бўлади. Лекин одамлар юзидаги табассумни кўриб, уни унутгандек бўламан, — дейди у. — Марказий Осиё шаҳар ва туманларида ҳам бир неча бор концертлар қўйдик. Мухлислар яхши кутиб олишди.

Кейинги вақтда «қўшиқчилар» анча кўпайиб кетгандай. Лекин яхши қўшиқчилар ҳамон оздек. Олди-қочди, тушуниш қийин бўлган қўшиқлар кўпайиб кетяпти. Халқимиз яхши қўшиққа ташна...

У хайрлашаётиб ички бир истиҳола билан «Газетада кўп мақтаманг, хўпми? Ҳалиям ўзимнинг қўшиғимни излаяпман» — деди.

Мен ҳам уни кўп мақтамадим. Чунки Гулмоҳ энди Санъат дунёсининг остонасидан ҳатлаётир. Булар қўшиққа ташна бўлмиш бир кўнгилнинг эътирофлари холос. Катта ва нозиктаъб давралардаги кўнгилларга ҳам йўллар очилаётир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎСПИРИНЛАРНИ ҲАМ ЙЎЛДАН УРДИ

Геннадий Старцов мис буюмларни ўмаришда инсофдан чиқиб, ҳатто ўспиринларни ҳам йўлдан урди. Мальшев, Хуслитдинов, Шиганшин, Туровларни ўғирликка жалб этиб, Қўқон шоҳбекатида тўхтаб турган теплавоздан мис буюмларни ечиб олаётганида қўлга тушди.

ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙГАНЛАР

Ховос шоҳбекатида йўл тузатувчи бўлиб ишловчи Ҳусаинов оғайниси Файзуллаев билан тил бириктириб дон ортилган вагонлардан 350 килограмм бўғдой ўғирлаётганида қўлга тушди. Милиция ходимлари Туратов, Аллаберганов ва Матёқубовларнинг ҳушёрликлари туфайли уларнинг жиноий ҳаракатларига чек қўйилди.

***

11 январь куни Тошкент юк бекатида 10 қоп унни ўмариб кетаётган Шамил Юнусов ҳам Тошкент тармоқ ИИБ ходимлари Мамедов ва Захиловлар томонидан қўлга олинди. Халқнинг ризқига чанг солганлар энди одил суд олдида жавоб берадилар.

Фахриддин АБДУРАЗЗОҚОВ.

ТАШКИЛОТ

қуйидагиларни таклиф этади:

— кичик қувватли шакар ишлаб чиқариш заводининг асбоб-ускуналари;

— шакар чиқиндисидан спирт олиш технологияси ва асбоб-ускуналари.

Шунингдек, битмай қолган ва ишга туширилмаган шакар ишлаб чиқариш кичик заводларига маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатади.

Шакар ишлаб чиқариш заводларига ишчи-кадрларни тайёрлаб беради.

Ҳақ тўлаш — шартнома асосида, пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Нуробод шаҳри, эски ОРС базаси. Шаҳар ишлаб чиқариш корхонаси.

Телефон: (8-266) коммутатор 267-99, ички телефон — 544.

«УЗВОДКОВРОВСЕРВИС» қўшма корхонаси

Ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги дастгоҳларни сотади:

— Мармар плиталари ва табиий тошларни кесувчи дастгоҳлар.

— Маятникли арра.

Шунингдек, ностандарт асбоб-ускуналарни тайёрлаб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилади.

Мурожаат учун манзил:

Андижон шаҳри, Чинобод кўча, 5.

Телефонлар: (37422) 6-16-87, 6-17-28.

Ўзбек-Турк «Акатэкс» қўшма корхонаси пул ўтказиш йўли билан 50 ва 15 кг.ли поли-пропилен ун қопларини, тегирмон вальцлари ҳамда IBM 486 Дх2 — /66/350 / SV6A компьютерларини сотади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6 уй. (Тельман боғи қаршисида).

Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда -- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда -- 6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120
• Газета офсет усулида А—2 форматида босилади
• Ҳажми 2 босма табоқ
• Г — 062

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.